O'zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Samarqand tumani
HOKIMI
QARORI

РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
Самаркандского района
Самаркандской области
Республики Узбекистан

Samarqand viloyati, Samarqand tumani, Gulobod qo'rg'oni.
Tel.: +998(366) 612-55-31, faks: +998(366) 612-55-90

140300, село Гулабад, Самаркандского района, Самаркандской области
Тел.: +998(366) 612-55-31, факс: +998(366) 612-55-90

2015 у.г. «1» июн № 758-К

Тумандаги "Кайнама" қишлоқ фуқаролар йиғини "Ўзбеккенти" махалласида Суннатова Фотима Хайриевнага тегишли уй-жойини тулиқ қисмини туаржой тоифасидан нотурар жой тоифаси (музлатгич омборхонаси ва мебел ишлаб чикариш цехи)га айлантириш ҳақида

Тумандаги "Кайнама" қишлоқ фуқаролар йиғини "Ўзбеккенти" махалласида Суннатова Фотима Хайриевна номига туман ҳокимининг 2015 йил 16 майда 689-Қ сонли қарори билан уй жойига эгалик қилиш хуқуқи тикланган, қишлоқ фуқаролар йиғини томонидан берилган маълумотномага кўра ушбу уй-жойда хеч ким яшамаятганлиги ва руйхатда турмаслигини, туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси томонидан тайёрланган кадастр хужжатларини, турмуш ўртоғи ва бир нафар фарзандини розилик аризаларини тақдим этиб, тадбиркорлик билан шуғулланиш мақсадида уй-жойини тулик қисмини музлатгич омборхонаси ва мебел ишлаб чикариш цехига айлантириб беришни сўраб туман ҳокими номига ариза билан мурожаат қилган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Уй-жой кодекси»нинг 15-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сонли "Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган низомига, ҳамда Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат хокимияти тўғрисида"ги қонунининг 6-моддасига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тумандаги "Кайнама" қишлоқ фуқаролар йиғини «Ўзбеккенти» махалласида Суннатова Фотима Хайриевна номига туман ҳокимининг 2015 йил 16 майдаги 689-Қ сонли қарорига асосан мавжуд уй-жойига эгалик қилиш хуқуқи тикланган, умумий 1975,67 кв.м., ер майдонида жойлашган, курилиш остидаги 1/1-литердаги 2 та яшаш хоналари, 1/2 литердаги 1та ошхона ва 2та яшаш хоналаридан иборат жами 720,64 кв.м., кисми тулиқ нотурар жой тоифаси (музлатгич омборхонаси ва мебел ишлаб чикариш цехи)га айлантиришга рухсат берилсин, хамда 1975,67 кв.м., ер майдонидан доимий фойдаланиш хукуки берилсин.